



## БУЮК СОҲИБҚИРОН, АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ СОҲИБИГА ЭҲТИРОМ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Н.Ҳабибуллаев, Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Е.Утембаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари номзоди Х.Файзиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Н.Жўраев ва бошқалар Амир Темур сиймоси адолат, тинчлик, фаровонлик, тараққиёт тимсоли бўлиб, қудратли салтанат барпо этган, давлатчилик борасида бой амалий ва назарий мерос қолдирган, илму фан, бунёдкорлик, маданият, маънавият ривожига кенг йўл очган буюк аждоғимизнинг ҳаёт йўли бугунги авлодлар учун ҳам ибрат мактаби эканини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийларнинг давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик каби соҳалардаги улкан ва бой меросини ўрганишга қизиқиш жаҳон миқёсида тобора ортиб бормоқда. Юртимизда ва хорижда темурийларнинг дунё цивилизацияси раънақига қўшган улкан ҳиссасига оид кўплаб асарлар яратилмоқда, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Булар Соҳибқирон шахсияти ва уни еттиштирган замин, тарихий шарт-шароитга доир янги-янги қирраларни кашф этишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, сиёсий, иқтисодий, илм-фан, ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни, миллатлараро ҳамкорликни мустақамлаш, бунёдкорлик ва халқ манфаатларига хизмат қилиш борасидаги ишлар улғу аждоғимиз Амир Темур фаолиятига мазмунан ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир.

Зеро, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматларини, мухташам иморату иншоотлар қурдиргани, шаҳарларни тиклагани, салтанат пойтахти Самарқандни ҳар томонлама раънақ топтиргани, саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурдиргани, шаҳар ташқарисидан боғ-роғлар ва бустонлар барпо эттиргани, фан, маданият ва санъат аҳлини ўз ҳомиюлигига олиб, уларга иззат-икром кўрсатгани, халқларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларини йўлга қўйишга шароит яратгани неча асрлардан буён авлодларга буюк маърифатпарварлик намунаси бўлиб келатган бўлса, Президентимизнинг бу борадаги эзгу сайёҳаракатлари нафақат халқимиз, балки бутун дунёда юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Соҳибқирон бобомиз ўз

тузукларида “Тажрибамда кўрилганким, азам қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, доқайд кишидан яхшироқдир” деган бўлса, бугун мамлакатимизда тадбиркорлик, ишбилармонликни жадал ривожлантириш, тадбиркорларга кенг шароит ва имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Темур бобомиз “Куч – адолатдир!” дея хитоб қилган бўлса, бугун ҳам адолат, халқпарварлик, бағрикенглик давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор тамойилларидандир.

— Амир Темур шахси бетакрор, у инсоннинг ҳаёти ва фаолияти миллий давлатчилигимиз тарихида олтин даврни ташкил этади, — дейди тарих фанлари доктори Шохиста Ўлжаева. — Мустақиллик йилларигача улкан салтанат тузган қудратли бобомизнинг фақат ҳарбий юришлари бир томонлама ўрганилиб келинган бўлса, миллий истиқолга эришгачина ул зотнинг тинчликка, тараққиётга қўшган ҳиссаси кенг тадқиқ этила бошланди. Европа ва Осиёни бирлаштирган ҳукмдор сифатида салтанати остидаги давлатларнинг ўзаро савдо-иқтисодий, маданий алоқаларини ривожлантиришга ҳисса қўшган, бунёдкорлик, илм-фанга ҳомиюлик қилган. Унинг даврида барча соҳалар жадал ривожланган. Бугун улғу бобомизнинг ишлари

авлодлар томонидан муносиб давом эттириляптир. — Буюк саркарда бобокалонимизнинг ҳаёти, ҳарбий-сиёсий фаолияти, жанговар санъати, ватанпарварлик, халқпарварлик, мардлик ва жасорат фазилатлари биз авлодларда доим ҳавас ва ҳайрат уйғотади, — дейди Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот-технологиялари университетининг махсус факультети 4-босқич талабаси Шуҳрат Каримов. — Биз Соҳибқирон Амир Темур бобомизга муносиб авлод бўлишга, мард, юртни чин дилдан суяйдиган инсон бўлишга интиламиз.

“Темурбеклар мактаби” ўқувчилари томонидан ҳарбий машқлар намойиш этилди. Амир Темур ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этади.

Шу кунги Темурийлар тарихи давлат музейида санъаткорлар ва болалар ансамбли иштирокида миллий куй-қўшиқлар ижро этилди. Темур ва темурийлар даврига оид “Тангаларда акс этган тарих” деб номланган кўргазма намойиш қилинди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Байрам АЙТМУРОВОВ,  
ЎЗА муҳбири

## VATANGA XIZMAT — MUQADDAS BURCH ЙЎЛИДА СОБИТ ЎҒЛОНЛАР

Зулфизар МАВЛОНОВА

Ўзбекистон  
Республикаси  
Давлат

хавфсизлик хизмати  
чегара қўшинларининг  
Бухоро шаҳридаги  
ҳарбий қисмида  
муздлати ҳарбий  
хизматга қиришган  
аскарлар қасамё  
қабул қилди.



Э. ШАЙИПОВ

Тадбирда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар сўзга чиқиб, Ватан ҳимоясидек шарафли бурчни адо этишда йигитларга сабот тилади.

Шундан сўнг Давлат хавфсизлик хизмати

чегара қўшинлари кўмондони ўринбосари томонидан ҳарбий хизматни утаб бўлган аскарларга “Чегара аълочиси” кўкрак нишонлари, олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар тантанали тарзда топширилди.

## ҲАММАСИ МАСЪУЛИЯТГА ЯРАША

(Бошланиши 1-саҳифада)

“Кўлхатиб” қишлоғида яшовчи ёш она — Нурзода Нажимова уч нафар фарзанди билан бева қолган. Ишсизлиги етмагандек, уй-жойи ҳам таъмирталаб. Нурзода кам таъминланганлар рўйхатида турса-да, унга ўз вақтида ёрдам берилмаган. Мутасаддиларнинг сайёҳаракати билан Нурзоданинг хонадониди таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ўзи эса, тумандаги 29-мактабга таълим муассасасига ишга жойлаштирилди.

Туман ички ишлар бошқармаси чекидаги бошқа бир сектор вакиллари — 34 кишилик ички гуруҳи 31 минг нафар аҳолининг ижтимоий аҳолини ўрганди. Кўплаб муаммолар жойида ҳал этилди. Худуддаги 178 нафар имконияти чекланган фуқарога ногиронлик аравачалари олиб берилди. Кам таъминланган 112 оилага иссиқхона ва товуқ боқичи учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ёшлар иттифоқининг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари билан ҳамкорликда 11 та маҳалладаги 130 минг аҳоли ўртасида мамлакатимизда халқ манфаати йўлида қилинаётган ишлар, ёшлар учун яратилган имкониятлар хусусида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Энди эътиборимизни Жондор туманига қаратсак. Давлат солиқ хизматида қарашли сектор мутасаддилари мазкур ҳудуддаги ишсиз фуқаролар, айниқса, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни тадбиркорликка жалб этиш, имтиёзли микрокредитлар олишида



БУХОРО  
ВИЛОЯТИДАГИ  
СЕКТОР  
РАҲБАРЛАРИГА ШУ  
ПАЙТГА ҚАДАР  
4 МИНГ НАФАРГА  
ЯҚИН ФУҚАРО ИШ  
СЎРАБ МУРОЖААТ  
ҚИЛГАН. УЛАРНИНГ  
1 МИНГ 785  
НАФАРИ ЁШЛАР.  
1 МИНГ 14 НАФАР  
ЙИГИТ-ҚИЗ ИШГА  
ЖОЙЛАШТИРИЛДИ.  
82 НАФАРГА  
ХУНАРМАНДИЧИЛИК  
СИРЛАРИ  
ЎРГАТИЛМОҚДА.

жонбозлик кўрсатмоқда. “Ушот” қишлоғида яшовчи Хуршида Йулдошева бир неча йилдан буён турли тўсиқларга дуч келиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймаётгани. Сектор кўмаги билан мушқули осонлашди.

— Онам билан томорқамизда иссиқхона ташки қилмоқчи бўлиб тўртинчи сектор раҳбарига мурожаат қилдик, — дейди Хуршида. — Мурожаатимиз ўз вақтида қуриб чиқилди. Айни пайтда ҳомияр кўмаги билан бунёд этилган иссиқхонамизда помидор етиштиряпмиз. Йилига уч марта ҳосил олиш режамиз бор.

Сўхбатдошимизнинг ҳамқишлоғи Дилдора

Шукурова ҳам сектор раҳбари кўмағида иссиқхона қуриб, эл дастурхонини тўкин этиб келаяптир.

Умуман олганда, Бухоро вилоятида тадбиркорликни ривожлантириш борасида вилоят ҳокимлиги бошчилигида прокуратура, ички ишлар бошқармаси ҳамда давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан кенг қўламли ишлар бажарилапти. Жумладан, солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларнинг давлат бюджети, мақсади ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўлиқ миқдорда тушишини таъминлаш мақсадида жойларда профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. Уларда хўжалик юритувчи субъектларнинг кунлик савдо айланмаси, ишчилари сонини, барча даромад ва харажатлари ўрганилиб, тадбиркорлик фаолиятини қонуний юритишга тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар бартараф этиляпти.

Ғиждувон туманида ўтказилган профилактик тадбир давомида “Зарангари” қишлоғида яшовчи тадбиркор Садриддин Тойировнинг икки нафар фуқарони ишга жалб қилгани,

аммо уларни ёлланма ишчи сифатида расмийлаштирмагани аниқланди.

— Бир неча йилдан буён темир дарвоза ясаб сотаман, — дейди тадбиркор. — Шу кунгача икки нафар ишчимга “конверт”да ҳақ тўлаб келаятганим. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари менга бу фуқароларнинг ҳуқуқлари поймол бўлаётганини тушунтириб, хатомни дарҳол ўнгладим. Сектор аъзоларидан фаолиятимни кенгайтириш учун кредит олишда ёрдам сўраган эдим, масала шу кунгача ҳал бўлди.

Айтиш жоизки, давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан олиб борилган профилактик тадбирлар асносида 2018 йилнинг шу кунгача туманда жами 920 дан ортиқ фуқаролар яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтди. Шундан 470 нафари бизнесини бошлаган бўлса, 448 нафарининг тадбиркорлик фаолияти қайта тикланди. Натижада, маҳаллий бюджетга қўшимча 260 миллион сўмдан ортиқ маблағ тушум қилинди.

А.САТТОРОВА

## ESHITDINGIZMI?

## ИТТИФОҚ ГУЛНОРАНИ ҚЎЛЛАДИ

Равшана ҚҲҲҲҲҲ

Ёшлар иттифоқи урганчлик тенгдошимиз Гулнора Аллаяровага тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ёрдам берди. Ташкилот кафилиги асосида у банкдан 34 миллион кредит олиб, мини тикув цехини ташкил қилди.



фаолларимиз учун беш минг дон футболка тикиб берамиз”, — таъкидлади Давлат маслаҳатчиси. — Очиги, ҳозир кўзларимга ишонмайман, — деди ҳаяжонини яширолмайдиган Гулнора Аллаярова. — Яқиндагина Қаҳрамон Қуранбаевнинг хоразмлик ёш тадбиркорлар билан ўтказган жонли мулоқотида қатнашиб, муаммоларимиз билдирганим. Ҳеч қанча вақт ўтмай, мушқулим

осон бўлди. Менга банкдан кредит ажратилди. Энди хусусий корхонам бор. Ўн нафар хотин-қизни иш билан таъминладим. Кейинчалик бошқа аёлларни ҳам касаначилик асосида жалб қилмоқчиман. Уларни тикув машиналари билан таъминлаймиз. Қувончим ичимга сиймаяпти. Биз, ёшларни суйайдиган ташкилотнинг борлиги — бахтимиз. Билдирилган ишончини, албатта, оқлашга ҳаракат қиламан.



Корхонанинг очилишида Иттифоқ Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон

Қуранбаев шахсан қатнашиб, илк буюртмачи ўзи бўлишини айтди. “Воҳадаги

## ВАЪДАГА ВАФО

Сумбулой НҲҲҲҲҲ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Урганч туманидаги 36-мактаб фаолияти билан ҳам танишганди. 425 нафар бола таълим олаётган ушбу масканда баъдий китобларга

эҳтиёж катта эканини билиб, тез орада керакли адабиётлар, албатта, етказиб берилишини айтган. Гап ерда қолиб кетмади. Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Мансурбек Машарипов мактабга шахсан келиб, ўқувчиларга ваъда қилинган 500 та китоб, ноутбук ҳамда рангли принтерни топширди.



FOTOFАКТ

FESTIVAL

## САҲНА ЧИҚИШЛАРИДАН “АҚЛЛИ” ҚУРИЛМАГАЧА

Жиззах вилоятида ilk мартаба “Ёшлик баҳори” фестивали ўтказилди



ҳақамлар ҳайъати энг яхши ёшлар театр-студияси, мобил қурилмалар учун мўлжалланган энг яхши видеоролик, энг яхши инновацион ва ижтимоий лойиҳалар, шунингдек, тасвирий санъат асарларини аниқлади.

Ғолиб топилган ижодкорлар муносиб тақдирланди. — Инновацион ғояларим билан турли танловларда мунтазам иштирок этаман, — дейди Мирзачўл туманидаги 18-умумтаълим мактаби ўқувчиси Миразиз Анорбоев. — Оддий ва кераксиз буюмлардан фойдали маҳсулотлар олиш устида изланяман. “Ёшлик баҳори” фестивалида шприц ва алюминий симлардан ясалган роботни намойиш этдим. Мазкур қурилма шприц ичига тўлдирилган сув ёрдамида ҳаракатга келтирилади. — Менинг роботим эса, “олдимга кел”, “юр” каби бир қанча буйруқларни бажаради, — дейди инновациялар йўналиши бўйича ғолиб топилган Жиззах педагогика институтини қўшилаган академик лицей ўқувчиси Элёр Суннатов. — Буни маҳсул чип ёрдамида амалга ошириш мумкин. Қурилма роботнинг танасига ўрнатилган. Келгусида ишланмамини янада такомиллаштириб, ҳаётга татбиқ этишни хоҳлайман.



Фестиваль икки босқичда ўтказилди, дастлаб туман ва шаҳарларни қамраб олди. Якуний босқичда малакали мутахассислардан шакллантирилган

Кун давомида иштирокчилар ўз тақдирот ва кўргазмаларини ўтказиб, гузал ёшлик байрамининг файзли ҳамда унутилмас ўтишига муносиб ҳисса қўшди.

Сардор БЕКЖОНОВ

Ёшлар иттифоқи ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги етакчилар кенгаши томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа беш йўналишда амалга оширилди. Унинг доирасида бадиий ижод, журналистика, рассомлик, саҳна санъати, ахборот технологияларига қизиқувчи юзлаб йигит-қизлар ўз истеъдодини намойиш этди.

AKSIYA

## АЖДОДИМИЗ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтидagi Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти Амир Темур таваллуд топган кун муносабати билан акция ташкил этди.

Талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда факультетларда юриб, тенгдошларига буюк аجدодимизнинг ҳаёт йўли, ҳарбий юришлари, амалга оширган бунёдкорлик ишлари хусусида маълумот берди. “Темур тузуқлари” дан парчалар ўқилди.

Соҳибқирон фаолиятини ўрганишда нафақат тарихий манбалар, балки бадиий асарларнинг ҳам алоҳида аҳамияти бор. Шу маънода, акция давомида тарғибotchилар иштирокчиларни Бурйбой Аҳмедовнинг “Амир Темур” романи, Турғун Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти томонидан нашр этилган “Темур ва Улуғбек даври тарихи” каби асарларнинг мазмуни билан ҳам таништирди. Мулоқот чоғида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўқис жавоб олди.

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Марказий ҳарбий округ, Ёшлар иттифоқи ва “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Самарқанд шаҳрида “Менинг армиям — менинг фахрим” номли маданий тадбир ташкил этилди. У Амир Темур таваллудининг 682 йиллигига бағишланди.

## ШИЖОАТГА БОЙ ЛАҲЗАЛАР

Самарқанд вилояти муסיқали драма театри яқиндаги байрамона безатилган саҳнада Марказий ҳарбий округ оркестри концерт дастурини намойиш этди. Ҳарбий-ватанпарварлик

руҳидаги куй-тароналар ийгиликларга ўзгача шижоат бағишлади. — Соҳибқирон бобомизнинг ёди барҳаёт, — дейди тадбир иштирокчиларидан бири На-

сиба Юсупова. — Бу улғ зотга ихлосим баланд. Амир Темурнинг маънавий жасорати, авлодларга мерос қолдирган улғвор фазилатлари бизга ҳамиша ибрат, намуна бўлғай.

TASHABBUS

## ДИЛЛАРНИ ШОД ЭТГАН ТАШРИФ

Барно ЯКУБОВА

Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши ва Ёшлар маркази Урганч тумани тиббиёт бирлашмасида паллиатив даволаш бўйича махсус бўлинмаси (хоспис) да хайрия тадбирини ўтказди.

Унда Ёшлар марказида фаолият кўрсатаётган Ошпазлар уюшмаси ҳамда сартарошлар тўғраги аъзолари қатнашди.

Йигит-қизлар Мурувват уйида яшаётган қарияларни совға-саломлар билан йўқлаб, мазали таом ва ширинликлар тайёрлади. Днд билан тузатилаган дастурхонга ош тортиди. Шу ернинг ўзида Ошпазлар уюшмасининг уч ойлик ўқув курсини тамомлаган ёшларга махсус маълумотномалар топширилди.

Тадбир якунида намойиш этилган бадиий дастурдан нуронийларнинг кўнгли янада кўтарилди.



— Фарзандларимни кўргандек бўлдим, — деди кўзига ёш олиб Манзиля она Ҳамидова. — Фақат битта илтимосим шуки, биздан тез-тез хабар олиб туринглар. Хурсанд бўламиз!

## 500 НАФАР ЙИГИТ-ҚИЗ

Иттифоқ ташаббуси билан Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида ташкил этилган “Ёш ижодкорлар” тўғрагига аъзо бўлди

Қумар БЕҒНИЯЗОВА

Улар соҳа мутахассисларидан наслр, назм, публицистика, таржима, драматургия йўналишларида таълим олмақда.

— Ёшлар орасида адабиётни чиндан сеувчи, қалами ўткир истеъоддор кўп, — дейди тўғрақ координатори Турсингул Отарова. — Айни кунларда 102 нафар аъзоимиз таржима назарисини ва амалиётга доир семинарларга

жалб қилинган. — Мен эса, наслр йўналишида маҳорат сабоқларини олялман, — дейди тахнатошлик Адилбек Латипов. — Ҳикоя композицияси ва методикасига доир охириги дарсимиз жуда мароқли ўтди. Кундан-кунга ижодим сайқаланиб борапти. Ёшлар иттифоқи бизни бир жойга жамлаб, “Устў-шогирд” мактабини яратганидай мамнунимиз.

## DUNYO BIZ HAQIMIZDA



## УЧАЛА НАШР ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТДИ

Урду тилида чоп этиладиган “Patriot”, “Daily Ittihad” ҳамда “Metro” газеталарида “Ҳазрат Имом Бухорий” сарлавҳали мақола эълон қилинди. У Покистондаги машҳур “Diplomatic Star” журнали бош муҳаррири Рожа Амир Маҳмуд Бхатти қаламига мансуб.

Мақолада бутун умрини саҳиҳ ҳадисларни тўплаш ва ўрганишга бағишлаган буюк исломшунос олим Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти батафсил ёритилган. Экспертнинг таъкиллашича, ўзбек заминидан етишиб чиққан бу мукаррам зотга бутун ислом оламида жуда юқори ҳурмат кўрсатилади.

— Ўзбекистон ислом маданияти ривожига беқийс ҳисса қўшган дийр, — таъкиллаяди Рожа Амир Маҳмуд Бхатти. — Донги етти иқлимга кетган Шарқ гавҳари — Самарқанд шаҳри яқинида Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси

жойлашган бўлиб, унинг 10 минг киши сифими улкан масжиди бор. Зиёратгоҳ ҳудудида музей ҳам бўлиб, унда Кўрьони карим ва бошқа муқаддас китобларнинг нусхалари сақланмоқда. Нодир экспонатлар орасида Кўрьоннинг Покистон собиқ Бош вазири Бенназир Бхутто Ўзбекистонга ташрифи чоғида музейга тортиқ қилган нусхасини ҳам учратиб мумкин.

Журналист ўз фикрларини яқунлар экан, муслмонларни Имом Бухорийнинг бебаҳо маънавий меросини ўрганиш ва юртимиздаги қадамжони зиёрат қилишга чорлайди.

## ИСПАНЛАР МАМНУН

Мадридда Ўзбекистон элчихонаси томонидан юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда Испаниянинг эксперт доиралари, ижодий жамоатчилик ҳамда журналистлар қатнашди.

Тадбирда жорий йил 24 майдан бошлаб Тошкент ва Барселона ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатнови йўлга қўйилиши маълум қилиниб, бу сайёҳлар оқимининг ортиши, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши таъкилланди.

— Ўзбекистонда кечаятган иқтисодий, ижтимоий жараёнлардан яхши хабардорман, — деди Комплотенсе университети ахборот департаменти бошлиғи Рафаэль Кордеро. — У зафарли одамлар билан тараққиёт сари илдамламоқда. Мамлакатларимиз ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновининг

очилиши ажойиб янгиликдир. Мазкур қадим испанларнинг гузал дийриниқизга бориши учун қўшимча қулайлик яратди.

— Ешлигимдан Ўзбекистон, айниқса, Самарқандга боришни орзу қилардим, — деди Журналистлар ҳамда ёзувчиларнинг ўрта ер денгизи сайёҳлик ва санъат ташкилоти аъзоси Мануэль Саррион. — Бу кўҳна шаҳар менга сеҳрли эртакаларни эслатади. Бугунги суҳбат жараёнида у ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлдим. Тошкент – Барселона авиарейси орқали биринчилардан бўлиб Ўзбекистонга келишни ният қилдим.

## “THE SUNDAY INDIAN” ҚАЛАМГА ОЛДИ

Хиндистоннинг машҳур журналида юртимиз сайёҳлик салоҳиятини очиб берувчи мақола нашр қилинди. Материал Савраб Кумар Шахнининг медиа-тур доирасида Ўзбекистонга қилган ижодий сафари асосида тайёрланган.

Журналист ўз мақоласида Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларга ташрифдан олган таассуротлари билан ўртоқлашди. “Ўзбекистон тарих ва замонавийлик уйғунлашган юрт. Унинг ўзига хослиги ҳам шунда, — деб ёзади муаллиф. — Ўзбекистонга келган сайёҳлар кўп асрлик ноёб меъморий обидалар билан бир қаторда янги ва кўркам иншоотлар, равон йўллар, истироҳат боғлари

ҳамда шарқона бозорларни кўриши мумкин.

Мақолада ҳеч қимни бефарқ қолдирмайдиган, бир-биридан мазали ўзбек миллий таомлари ҳақида ҳам алоҳида сўз юритилган.

С.Кумарнинг таъкиллашича, мамлакатимизга келган сайёҳ, албатта, ўзи билан Ўзбекистонни эслатиб турувчи хунарамандчилик буюмлари, миллий кийим ва матолар, қўлда тўқилган ипак гиламлардан олиб кетади.

“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

МЕН "WUHRAT" ЭМАСМАН!

Шухрат САИДАХМАДОВ

Ахборот асрида яшаймиз. Узоғимизни яқин, мушкуллимизни осон қиладиган ижтимоий тармоқлар орқали деярли ҳар куни мулоқот қилишга кўникадик. Замонанинг қудай имконияти-да бу. Бироқ электрон ахборот алмашинуви жараёнида аксарият тенглошаримиз "паразит" ҳарфларга мурожаат қилаётгани киши гашини келтиради.

"O"ни b, "sh"ни w, "ch"ни 4 га айлантириб юбораётган дўстларимиз тилимизни қанчалик обрўсизлантираётгани, бесаводликни тарғиб қилаётганини билармикан?! Қузатишлар шунини кўрсатадики, ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчи ҳар беш кишининг тўрт нафари вақтини тежаш мақсадида алиф-бомизда йўқ юқоридаги каби "ҳарф"ларни терар экан. Бир кунни қизик воқеа юз берди. Укам Шаҳриёр билан

"Telegram" мессенжери орқали суҳбатлашдик. Профилдаги ёзувни кўриб хунобим ошди. Укам ўз исмини "Wahriyog"-га айлантириб юборибди. Кейин менга: "Wuhrat aka, yaxwimisiz? 6qjshlar bilan 4ar4amasdan?" — деган хабар келди. Ўзиники қолиб, менинг ҳам исминини нотўғри ёзганидан оғриндим. Энди бир тасаввур қилинг, отангизнинг фамилияси Утамуродов эмас, btamurodov, синг-



лингиз Шохиста эмас, Wohista, умр йўлдошингиз Чарос эмас, 4aros, фарзандингиз Ўткирбек эмас, Otkirbek бўлиб кетаверса, нафсониятингизга тегмайми? Бундай беандишалikka қачонгача жим қараб тураверамиз? Хўш, ечим нимада? Жавоб оддий: ишни, аввало, ўзингизни тўғрилашдан бошланг. Қандай қилиб, дейсизми? Дўстингиз сизга "паразит" ҳарфлар ишти-рокида нома йўлласса, хатосини тузатиб кўйинг. Зора, хижо-лат бўлиб, қайтиб шу йўлдан бормас! Бунини мен ўз укамда синая кўрдим. Ҳозир Шаҳри-ёрнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида биронта ҳам "паразит" ҳарф ёки сўзни уч-ратмайсиз. Азиз тенглошим, бармоқлар-

YOSHLIK ILHOMI

Оқибат

Сарвиноз МАМАНОВА

У замонасининг зўри эди. Қаерга бормасин, ша-рафига мактову хушомад-лар ёғиларди. Авваллари қишлоғидан ҳеч айрилгиси келмасди. Бир умр шу ерда қоламан, дерди ўзинча. Энди бўлса, катта мартабага эришган, казо-казо танишлари бор. Қишлоқда яшашни тасаввур ҳам қила олмайди. У ҳаволабни юрган дамларнинг бирида овул-дошларидан совуқ хабар келди: отаси казо қилибди. Кўнгли тўлиб, эзилиб-эзилиб йиғлади. Йил бўйи отасининг ҳолидан хабар олганини эслади. Болалигида отаси: "Сени, албатта, ўқитаман", — дея сурув-сурув кўйларни узуккун боқарди. Ўғилни ўқитди ҳам. Кейин нима бўлди? Бор-йўғи шаҳарга кетмаслигини илтимос қилди, холос. Шу бир оғиз гап ота ва боланинг ўртасига со-вуқчилик туширди. "Менинг кўкаришимни хоҳламайсиз", — деб отасига зарда қилган-ди ўшанда. Эҳ, дили тилимланди унинг. Ичидан зил кетди. Онаси ўлганида ҳам худди шу зайл йиғлаб-сиқтаганиди.

Ялтироқ тугмача

— Ойи... — "шиф-шиф" машина тикаётган ойисининг энгидан тортиб қизилди. — Бор, телевизор кўриб ўтир! — деди она. — Бувижон! — эркаланди бола офтобруйда бўз ёймани ёзиб, узун чивиклар билан пахта савалаётган бувисига. — Конфет егинг келпапти-ми? Ма, ол-да, халақит берма, — деди кампир ва чўнтагидан зар қозоғга ўралган ширинлик чиқариб берди. Бола конфет-ни оғзига солиб, яна телеви-зор қаршисига чўкди. Орадан анча вақт ўтди. Қизалоқ телевизор кўриб зе-рикти, чоғи, ўйинчоқларини ўйнай бошлади. — Пақ-пақ! — дея ўйин-чоқ тўппончани онасига қаратган эди, онаси: — Бор-е, қорагини ёрдинг-ку, тузукроқ ўйин йўқми? — деди-да, яна тикув машинаси устига энгашди. Бола ўйинчоғини ташлаб, онасининг ёнида турган қутидан ялтироқ тугмачани олди ва оғзига солиб, айлан-тар бу болади. Шу пайт бир қалқиб тушди. "Ҳиқ" деган овоз чиқди-ю, нафаси қай-тиб, юзлари, лаблари кўка-риб кетди. Қайнона-келин баравар у томонга ошиқди. Иш ишда қолди...

Сабрнинг мукофоти

Обиджон РЎЗИБОВ  
Она ош пишириб, мак-табдан келадиган боласи учун бир лўқма олиб кўйди. Озиги туфайли ўзи емай, ўғлига илинди. Лекин таомни мушук олиб қочди. Онанинг отган калтагидан мушук оғ-зидани ташлаб, жұфтакни

Азим чинор

Қишлоғимиз четидagi тепаликка кекса чинор бор. Уша чинор атрофига қишлоқ одамлари терак экди. У чинорга нисбатан анча тез ўсарди. Бунга гаши келган азим чинор: — Э, барибир қанча тез ёғоч бўлма, зотингга тортиб, мўрт бўласан. Ўз қўлоғим билан эшитаман, мени яқин-да арралаб ишлов бериб, уй кургани олиб кетишар экан, — деб мактанди.

BILASIZMI?



BIR SHINGIL FALSafa

Аҳамбек АЛИМБЕКОВ  
Сўз кудрати

Тўрт унсур: олов, сув, тупроқ, ҳавони бирлаштириб бўла-дими? Олов билан сувнинг бирлигини тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Аммо, бир сўзда тўрт унсур муқассам бўлиши мумкин. Бир сўз ҳаволантириши ҳам, тупроқ қилиши, қуйдириши, ўчири-ши ҳам мумкин. Қаломнинг қудратини кўринг!

NUQTAYI NAZAR

Яқинда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи "Темур тузуклари" билимдони танловини ўтказганини эшитиб, қувондим. Зотан, бугунги кунда буюк бобокалонимиз шахсига нафақат юртимиз, балки дунёда ҳурмат кўрсатиларди.

ЎРГАНИШНИНГ ВАҚТИ КЕЛДИ

Масалан, Европада шу чоққача Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган 600 дан ортқ йирик асар яратилган. Шарқда эса, уларнинг сони 900 дан зиёд. Шу ўринда савол туғила-ди: хўш, бутун дунё эътироф этган улуғ ҳукмдор — Амир Темурни биз, ёшлар не-чоғлик даражада биламиз? Хорижий сайёҳларнинг бу мавзуга доир саволларига тўлиқ жавоб бера оламизми? Фикримча, йўқ. Чунки оммавий ахборот воси-талари орқали инсоният тарихида ўчмас из қолди-рган аждоқларимиз ҳақида тарғибот ишлари ҳам су-ст олиб бориляпти. Соҳибқи-рон ҳаёт йўлини кўрсатиб берувчи бадий ва ғоявий жиҳатдан етук кинофильм ҳамда сахна асарларини ҳам қўлайтириш вақти келди. Телевидение орқали тарихий кўрсатувлар, темурийшунос олимлар билан мулоқотлар намойиш этилса, бачкана лойиҳалар ўрнига совринли виқториналар ташкил этилса, нур устига нур бўларди, назаримда.

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Яқинда коллежимиздаги бир йигит ўқиш-дан четлаштирилди. Бундай ҳолат учун қонун-чилигимизда қандай асослар мавжуд?

Эркин РИХСИЕВ  
Андижон шахри



Саволга ҳуқуқшунос Асрор ЭРГАШЕВ жавоб беради: — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида" ги низомининг 18-бандига асосан, академик лишей ёки касб-ҳунар коллежи ўқув-чиси қуйидаги ҳолларда ўқишдан четлаштирилиши мумкин: — саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотимас асосида) академик таътил олганда; — ўқишини бошқа таълим муассасасига кўчирганда; — доимий яшаш учун бошқа давлатга чиқиб кет-ганда; — суднинг қарори билан озодликдан маҳрум этилганда; — вафот этганиги сабабли. (Материал Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

KITOV JAVONINGIZGA

КЕЧИР БИЗНИ, БАХТСИЗЛИК

Иқбол ҚЎШАЕВА

Рус адабиётини жаҳон сахнасига олиб чиққан беназир ижодкорлар, шубҳасиз, Фёдор Достоевский ва Лев Толстойдир. Лев Николаевич ҳақиқатни ижтимоий пўртанаалар оқи-мидаги одамнинг рангин ва зиддиятга виқорига кўрса, Фёдор Михайлович уни изтироб ичиди инжашан-ган инсондан излайди. Ва ЯШАЙМАН деган ниятга кўз очган одамзоога дара-нинг тийран ҳамда мунгли нигоҳи орқали боқадди. Достоевскийнинг шикас-та қахрамонлари билан сирлашаркансиз, ўзингизни таранг тортиган ип устида юраётгандек сезасиз. Узилиб кетса-я, маржондек сочилиб кетган асаблар-ни қандай қилиб яна ипга тизаман? Ўзим ҳам тузғиб кетмасмиканман?

Настасья Филипповна — тахрир этилган номус, князь Мыш-кин — беғуборликнинг баҳосиз бадалли, Парфён Рогожин — ёна-ётган гурур, Аглая — қисмати қаро қадарсиз муҳаббат, донкихот Иволгин — кулгининг аянчили туси, дали-қув Лебедев — ўзига му-б-тало ёлғон, хастажон Ипполит — аламнинг ҳасад томон ўрлаётган қоп-қора тутуни. Ҳатто олижаноб князь Мышкин ҳам, бу ғамзада йигит: "Қандай ўласам яхши бўла-ди? Иложи борича, эзгүроқ бўлиб кўринса", — деб сўраганида, у: "Ёнимиздан ўтиб кетинг, бахти-мизни кечиринг", — деб айтди. Бахт — истейод ва муҳаббат каби кечириб қийин бўлган маъсум гуноҳ! Айбисз айбдорликнинг ажри бу! Банд банданинг бахтини тан олиши, ўзга ўзганинг муҳа-батини эътироф этиши, инсон инсон истейодига иқдор бўлиши жуда мушкул савдо. Одамзод ҳали бу кенгликка қодир эмас. Чунки булар Парвардигор ихтиёридаги ноёб омонат... Эй, воҳ! Қайе-нинг қиёфаси бунча кўп бўлмаса! Бу қахрамонлар ким? Уларнинг утмиши қандай, бугунги-чи, не бў-лишдан қатъи назар, сиз изтироб чекаётган инсонга таълим қиласиз, унга ҳукм ўқишдан, ўзингизнинг даражангизга тушириб қўйишдан тийиласиз. Асидада мутолаадан мақсад ҳам шу эмасми!! Настасьянинг ҳаётини кул қил-ган Афанасий Тошқий — ўз ахлоқ-



сизлигидан тонмайдиган ахлоқсиз. Дардан мосуво бедаво кибрга хос худбинликнинг олий турқи. Ажабларлиси, у Настасьяга — ўспирин қизалоққа қилган чексиз ёвузлигини муҳаббат қилдим, дейди ва ўз "марҳамати"га чиндан ишона-ди! Бу қоқиғулбознинг тавба-тазар-руси бачкана анфисалар хархаша-си билан ўлчанади. Умридаги энг тубан иши деб танитқ хоним ва ношууд ошиқнинг йиғи-сийисидан иборат чойғул машмашсини би-лади. Моҳиятига нигоҳ ташласанг, бор-йўғи "гулдастачи"! Настасья алам аччиғида айт-ган бўлса-да, ҳақ эди. "Чойғул таққан жаноб"нинг истаги ичи пўк хотин-халажани лол қолдироққ ва тўнкафаҳм мардақлардан ўз устунлигини исботламоқ! Тагин у кишим рогожинлардан ҳазар қи-лади, Мышкинларни одам сиеқида кўрмайди. Бунча бенаволар билан бир столда ўтириш таби нозик турамнинг тарбияларига тўғри келмайди. Бу расамади пўрим одам билан романнинг дастлабки саҳифаларида учрасасиз, кейин француз марказининг этагидан тутганча ғойиб бўлади-қолади. Лекин мутолаа давомида, гарчи номи тилга олинмаса-да, унга уйғонган нафратининг жиловлаш борган сари қийин кечеди. Хоҳ Настасьянинг фарёди бўлсин, хоҳ Рогожин ўқирги, хоҳ Мышкин-нинг юракни ачитар маънос ҳолати бўлсин, ҳатто гузал Аглаянинг кўз ёшларида ҳам давру давронини суриб юрган хурматли афанасий Афанасий Ивановичнинг тавозеси-ни кўрасиз.

Парфён Рогожин

— Тошқийлар хор қилган гўзалликнинг фожойи асири, бахтсиз мардум қотилли-ка келгунча Аёл аталмиш дарду балонинг бор дахшатини кўради, адо бўлади. Гўзаллик хўрланмасин экан, у хўрландими тамом, ҳўлу қуруқ баробар ёнади. Унинг увол-и, хуни оғир келаркан. Жаннат ва жаҳаннам эшиги бирдек очилди, мезонлар йўқолади, қаломлар ну-тилади. Алам алаңгасида ёнаётган шайтон Раҳмонга тик боқадди. Дарвоқе, Фёдор Михайлович "Ака-ака Карамазовлар" романида ёзган эди: "Гўзаллик нафақат дах-шати, айни чоғда сирли ҳоиса-дир. Бу ерда Худо шайтон билан олишади, олишув майдонлари эса, одамларнинг қалби". Шунинг учун ҳам Рогожин ҳар қанча ваҳшийлаш-масин, китобхон худди Мышкин каби донишмандона қалб билан уни кечириб, бораверади. Чунки, Парфён икки дунёсини ҳам тиккан маҳбубаси Настасьяни эмас, бузуқ хирсонинг исён бўлиб ёнаётган машвум оқибатини маъв этади. Князь Мышкиннинг Рогожинга айтган гапини кўп эслаймак. Суҳ-бат дин ва Худо мавзусида кечар-ди. "Эрталаб шаҳарни айлангани чикдим. Ичиб маст бўлиб олган солдат олдимга келди, эгни афто-лахол. У: "Барин, мана шу кумуш хончи ол, сотаман, бир танга; ку-муш", — деди. Хончи қўлида ушлаб турибди, лекин кумуш эмас, қалай, ўзи катта, хончи дарров бўйинига тақдим. Солдат хурсанд: "Калласи йўқ баринни аҳмоқ қилдим", деб хончинг пулини ичгани қовоқо-ҳа отланди. Ўзимга-ўзим: "Йўқ, Исони сотиб ичадиганни қорала-ли турман. Ичкиликка мука-сидан кетган бу шўрликларнинг юрағида нима бор, ёлғиз Худонинг ўзига аён". Эҳтимол, меҳрибон фарзанд, интизомли ходим, фаол фўқаро, вафодор ёр, яхши ота ёки онадирсиз, бироқ эътиқод моҳи-ятини, ҲАҚИҚАТнинг қийматини баҳсбозликдан, ташвиқот руҳидаги ваъзлардан ёки басир кўз баҳоси-дан изласангиз, гўзаллик, ётуқлик ҳеч қанон сизга ўз рухсорини кўрсатмайди. Маънавий баркамол-лик тушувчиси сиз учун кундалик салом-алиғи хайр-хўшдан ўзга нарса эмас! Қадриятнинг удуввор қадрини белгилайдиган мезон — дўппи ва хонатла! Ҳақиқат эса, бақир-чақир танқидомуз таъкидла-гина қолаверади. Достоевский донишмандлик-нинг олий шартларини изидхон телба деб кулаётган ва ачинаётган Мышкиннинг кўксига кўради. Князь ғойибга эмас, мағлубга эги-лишни билари. Оломон ҳужига ташланган бахтсиз ожазга юксак эҳтиром билан қарашни, мазлумани ачина-ачина севишни, маззахга маҳкум қария Иволгининг донки-хотча ҳангомадарига тоқат қилиш-ни, жаҳолатни ҳамдардлик билан инкор этишни фақат-иксин юрак-ли Мышкинлар эплайди. Чунки у қабилир гўзаллик дунёни кўтқари-шига ишонарди. Бироқ гўзалликдан мосуво дунё ахирги унинг ўзини абгор қилди, лажмурада жон қилди. Ваҳоланки, гўзалликнинг ўзи ҳимо-яга муҳтож экан...

МУАССИС  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙВАТИ  
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар  
Рўзиев Зафар Хусанович  
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович  
Навбатчи  
Жавлон Вафоев  
"YOSHLAR OVOZI"дан материалларни кўчириб босиб тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлэмалар тахрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоиси келтирилган нархда  
Буғурма Г. 436  
Адаби — 23290  
Босма ҳолатда чоп этилди.  
Телерадио — 23.30  
Ўқув мўз — 22.30  
Газета материаллари тахририят компьютер марказиди терилди ва саҳифаланди.  
Офсет усулида босилган.